

**РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА БАНК ТИЗИМИНИ
ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ****Имомов Бобир Бурханович**

Магистр

Тел: +99890 185-52-37

**MAQOLA
MALUMOTI****ANNOTATSIYA:****MAQOLA TARIXI:***Received: 18.11.2025**Revised: 19.11.2025**Accepted: 20.11.2025***KALIT SO'ZLAR:**

*тижорат
банклари, Big data,
инвестиция
фаоляти,
трансформация,
сунъий интеллект,
рақамли банк
маҳсулоти, кредит,
диверсификация,
мониторинг, бозор
инфратузилмаси.*

Мазкур илмий мақолада тижорат банкларида рақамли банк маҳсулотларини жорий этиш зарурияти, банк фаолятининг амалдаги ҳолати ва рақамли технологияларни амалда қўллаш натижасида эришиладиган натижалар прогнози таҳлили келтирилган. Шунингдек, ривожланган мамлакатлар тажрибаси асосида банклар фаолятини такомиллаштиришнинг амалий механизмлари ва тавсиялари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижалари тижорат банкларининг трансформация жараёнларини такомиллаштириш, инвестициявий фаоллигини оширишни ҳамда рақамли банк маҳсулотларини такомиллаштириш орқали рақамли иқтисодиётдаги ўз рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Мақолада Ўзбекистон тижорат банкларининг рақамли иқтисодиёт шароитида трансформация жараёнини ривожлантиришга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисидаги ПФ-6079-сонли фармонида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини янада ривожлантириш мақсадида барча молия-банк тизими, давлат активларини бошқариш, рақобатни ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва камбағалликни қисқартириш соҳаларини рақамли трансформация қилиш зарурий шартларидан бири сифатида эътироф этилган [1].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 21 октябрь куни давлат бошқаруви, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларда сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилишида “Сунъий интеллект технологиялари иқтисодиётдан тортиб, таълим, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги ва бошқарув тизимигача чуқур кириб бормокда. Йил

бошида 2030 йилга бориб, дунё иқтисодиётида сунъий интеллект ҳажми 15 триллион долларга етиши прогноз қилинган бўлса, ҳозирги таҳлиллар бу рақам 20 триллион доллардан ортишини кўрсатаётганлиги” таъкидлаб ўтилди. [2].

Юқорида қайд этилган ҳолатлар тижорат банкларини рақамли иқтисодиёт шароитида трансформация қилиш масаласини чуқурроқ ўрганиш заруриятини юзага келтиради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

И.В.Пашковскаянинг хулосасига кўра, “тижорат банклари рақамли иқтисодиёт шароитида ўз рақобатбардошлигини сақлаб қолиш учун нафақат рақамли технологияларни ривожлантиришга урғу бериши лозим, балки, мижозларнинг молиявий саводхонлигини ошириш, катта маълумотлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш ва бу орқали юзага келадиган рискларга қарши чора-тадбирларни ҳам ишлаб чиқиши лозим” [3].

Ҳақиқатдан ҳам, рақамли иқтисодиёт тижорат банклари ва уларнинг мижозлари учун янги давр ҳисобланади. Банк капиталини йўқотишлардан химоя қилган ҳолда банк даромдалрини ошириш мақсадида рақамли трансформация шароитида юзага келадиган рискларни доимий назорат қилиб бориш лозим.

А.М.Михайловнинг фикрига кўра, замонавий молия бозорини классик молия бозори ва янги инновацион ютуқларига эга бўлган кредит ва нокредит маҳсулотлар яратувчи компаниялар йиғиндиси сифатида тавсифлаш мумкин. [4].

Юқоридаги хулосага қўшимча қилган ҳолда таъкидлаш мумкинки, молия бозорида фаолият юритиш чоғида рискларни диверсификация қилиш мақсадида тўлиқ рақамли банк маҳсулотларига боғланиб қолмаслик лозим. Банк ва нобанк ташкилотлар ўз даромадларини мустақамлаш мақсадида классик ва рақамли иқтисодиёт шароитида тенг фаолият кўрсатиши лозим.

Е.Д.Бутенко ўзининг илмий тадқиқоти натижаларига асосланиб, хулоса қиладики, замонавий дунё банклари ва Россия федерацияси банклари рақамли технологиялардан ўзларининг қуйидаги асосий бизнес фаолиятларида фойдаланишмоқда: мижозларга масофавий хизмат кўрсатишда, кибер хужумлар хавфини камайтиришда, молия бозори тенденцияларини таҳлил қилишда ва ўзларининг шахсий нейротизимларини яратишда [5].

Бутенконинг юқоридаги фикри Ўзбекистон банк тизими учун ҳам ахамиятли ҳисобланади. Айнан масофавий банк хизматларини кўрсатиш ва муаммоли кредитларни ундиришда сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш банкларимиз учун фойдали бўлади деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олим У.Махмудовнинг фикрига кўра “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш соҳасида тижорат банкларининг корпоратив трансформацияси жараёнида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган:

- масофавий банк хизматлари, шу жумладан, контактсиз тўловларнинг сони ва қамровини кенгайтириш;
- скоринг, масофадан туриб идентификациялаш ва кредит конвейери тизимидан кенг фойдаланиш;
- банк ахбороти ва тизимларнинг ахборот хавфсизлигини кучайтириш;
- банк секторида янги концепциялар ва технологияларни кенг жорий этиш (финтек, рақамли банкинг).

Ушбу қадамлар мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, Ўзбекистон иқтисодиётининг жадал ўсишини таъминлашга, мамлакатнинг жаҳон иқтисодиётига ва иқтисодий ривожланган мамлакатлар билан бир қаторда эркин бозорга интеграциялашувини жадаллаштириш учун банк хизматларини рақамлаштиришга қаратилган” деб ҳисоблайди[6].

О.Меликовнинг фикрига кўра, банк технологияларидан самарали фойдаланиш ва уларнинг самарадорлигини оширишда қуйидагиларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ бўлади:

- банк хизматларини оммабоплигини янада ошириш, кўрсатилаётган рақамли хизматлар сифати ҳамда салмоғини кенгайтириш мақсадида инновацион рақамли технологияларни банк тизимига жалб этиш бўйича марказий банкнинг манзилли дастурини ишлаб чиқиш;

- банкларнинг инновацион технологиялардан фойдаланиш даражаси бўйича Ассоциация банк томонидан алоҳида рейтинг юритиш ва тарғибот ишларини амалга ошириш;

- банкларни дастурий таъминотни амалга оширувчи IT-компаниялари томонидан яратилаётган инновацион лойиҳаларнинг рейтингини ишлаб чиқиб, соф рақобат муҳитини шакллантириш;

- банк рақамли хизматларини кўрсатилишида мижозларни идентификациялаш мақсадида биометрик технологиялардан амалиётда кенг фойдаланиш;

- сунъий интеллект ва робота-технологияларни банк тизимига кенг жалб этиш, банклардаги шаффофликни янада ошириш ҳамда банк штатларини оптималлаштириш орқали банк харажатларининг қисқаришига эришиш[7].

Дарҳақиқат, бугунги кундан банклар ўртасида рақобатнинг асосий шакли сифатида рақамли банк маҳсулотлари, мобил банкинг ва мобил иловалар орқали хизмат кўрсатиш намоён бўлмоқда. Тижорат банклари актив ва пассив операцияларини такомиллаштириш билан бир қаторда дастурий таъминотга устида ҳам ишларига тўғри келмоқда.

Таҳлил ва натижалар

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида банкларнинг фоизли ва ва фоизсиз даромадлари такибида масофавий банк хизматлари ортидан келган даромадлар юқори салмоғни эгаллайди. Хусусан, ажратилган онлайн микроқарзлар, банк маҳсулотига

обуна бўлиш ҳақлари, онлайн конвертация ва бошқалар бунга яққол мисол бўла олади.

Банк номи (хусусий)	Мобил банкинг фойдаланувчилари (%)	Онлайн тўлов платформалари (%)	Рақамли кредит хизматлари (%)	Chatbot ва AI хизматлари (%)
Капиталбанк	78	65	42	30
Ипак Йўли	72	68	45	34
Ҳамкорбанк	69	64	40	31
Asia Alliance Bank	65	59	36	25
Банк номи (давлат)	Мобил банкинг фойдаланувчилари (%)	Онлайн тўлов платформалари (%)	Рақамли кредит хизматлари (%)	Chatbot ва AI хизматлари (%)
Агро банк	60	55	38	37
Халқ банки	58	53	35	36
Микрокредит банк	55	50	34	34
Бизнесни ривожлантириш банки	52	48	33	22

1- Жадвал. Ўзбекистон банкларида рақамли хизматлар турлари бўйича фойдаланиш даражаси (2024-йил 31-декабрь ҳолатига, фоиз ҳисобида)³⁷

1-жадвал маълумотларидан яққол кўрингайким, мобил банкинг хизматларидан фойдаланувчилар сони Давлат улуши мавжуд банкларда хусусий банкларга нисбатан кам салмоғни ташкил этади. Бу эса, банкни рақабатбардошлилиги ва инвестицион жозибadorлиги жиҳатдан салбий ҳолат ҳисобланади ва банкнинг рақамли трансформация жараёни яхши ташкил этилмаганлигини англатади.

³⁷ Жадвал Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. www.cbu.uz маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.



2-расм. 2017 йилдан 2023 йилгача бутун дунё бўйлаб рақамли трансформация бозори даромади³⁸

Осиё-Тинч океани минтақасида (Асиа-Пасифис) рақамли трансформациянинг самарадорликка таъсири сезиларли даражада ўрин олмоқда. Тхе Инсигхт Партнерс (2020) маълумотларига кўра, Осиё-Тинч океани минтақасининг қолган қисмининг (Рест оф Асиа-Пасифис) рақамли банклик платформаси бозори даромади 2018-йилда 732,3 миллион АҚШ доллари билан бошланиб, 2027-йилга келиб 2,423,8 миллион АҚШ долларига етиши кутилмоқда, бу 2018-2027 йиллар оралиғида 14,4 фоизлик ўртача йиллик ўсиш даражасини (САГР) англатади (Тхе Инсигхт Партнерс, 2020). Ушбу ўсиш рақамли технологияларнинг (масалан, сунъий интеллект, IoT, булутли ҳисоблаш) банк секторида кенг қўлланилиши, смарт қурилмаларнинг кўпайиши, интернетнинг осон мавжудлиги ва банкларнинг анъанавий каналлардан рақамли ва автоматлаштирилган каналларга ўтиши натижасида юзага келди. Рақамли трансформация Осиё-Тинч океани минтақасида банкларнинг операцион самарадорлигини ошириб, хизмат кўрсатиш харажатлари 15-20 фоизгача камайтирди, шу билан бирга мижозлар тажрибасини яхшилади ва янги даромад манбаларини яратди (Тхе Инсигхт Партнерс, 2020).

Хулоса ва таклифлар

Илмий мақолани ёзиш жараёнида тижорат банкларининг рақамли трансформацияси билан боғлиқ операциялари бўйича қуйидаги хулосаларни шакллантирдик:

*тижорат банклари ўз фаолиятида рақамли банк маҳсулотларидан фойдаланиши ва ходимларни шунга мос равишда ривожлантириши Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади;

*тижорат банклари соф фойданинг бир қисмидан захира шакллантирган ҳолда чакана кредитлаш, рискларни бошқариш, муаммоли кредитларни ундириш ва

³⁸ Расм :Коваленко, Д. (2024, July 19). Digital transformation in banking маълумотлари асосида тузилган.

ходимларни ривожлантириш соҳаларида сунъий интеллектни қўллашни молиялантириши банклар учун узоқ муддатли ривожланиш асоси бўлади;

*трансформацияни самарали жорий қилиш учун банклар ходимлари учун рақамли саводхонлик ва технологик кўникмалар дастурларини жорий этиш зарур. Шу мақсадда халқаро тажрибалардан фойдаланиш, хорижий мутахассисларни жалб қилиш ва замонавий ўқитиш методологияларини ишлаб чиқиш тавсия этилади;

*банкнинг операцион жараёнларини автоматлаштириш ва самарадорликни ошириш учун рақамли технологиялардан, масалан, сунъий интеллект, катта маълумотлар таҳлили ва булутли технологиялардан кенгроқ фойдаланиш тавсия этилади. Бу банкнинг хизмат сифатини яхшилаш ва операцион харажатларни камайтиришга хизмат қилади;

Ушбу таклифлар Ўзбекистон Республикаси банк тизими трансформациясини барқарорлаштириш, банкнинг фаолият самарадорлигини ошириш, хизмат сифатини яхшилаш ва иқтисодий барқарорликни таъминлашга ёрдам беради. Ўзбекистон банк тизимида трансформацияни кенгроқ жорий этиш орқали банкларнинг рақобатбардошлиги мустаҳкамланиши ва иқтисодий ривожланишга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сонли “«Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари”ги фармони//www.lex.uz.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 21 октябрь куни давлат бошқаруви, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларда сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилишидаги нутқидан.

3. Пашковская И.В. Конкурентные возможности банков в цифровой экономике / Вестник Евразийской науки. 2021. № 6 (13). С. 1-16.

4. Михайлов А.М Трансформация современной финансовой системы и роль в ней финансовых технологий // Экономические науки. – Москва, 2021. Т. 194, № 1. – С. 32-35

5. Бутенко Е.Д. Искусственный интеллект в банках сегодня: опыт и перспективы. Финансы и кредит. 2020.Т.25, № 2. С. 230–242.

6. Махмудов У. Банк тизимида рақамли молиявий хизматлар: тараққиёт ва олдинда турган вазифалар ечими/ Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 2021 – №3. – Б. 32-36.

7. Меликов О. Рақамли банк технологиялари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда улардан самарали фойдаланиш йўллари/ Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar. - 2021. - № 4. - С. 290 – 301.

8. Коваленко, Д. (2024, July 19). Digital transformation in banking